



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 111 (10.416) / 2005 ЙИЛ 9 ИЮНЬ

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 8 июнь кuni Оқсаройда Буюк Британия ва Шимоллий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Дэвид Моран ишонч ёрлиғини топширди.

Ислам Каримов элчиға юртимизда бошлаётган миссиясини бажаришда муваффақият тилади.

Бирлашган Қироллик билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидандир. Буюк Британия раҳбарияти ҳам Ўзбекистон билан самарали ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор беради.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий алоқалар изчил ривожланмоқда. Буюк Британия Ўзбекистоннинг Европадаги йирик иқтисодий ҳамкорларидан биридир. 2004 йилда ўзаро савдо ҳажми 453,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2003 йилда бу кўрсат-

кич 356 миллион долларга тенг бўлган эди.

Жорий йилнинг март ойида Лондонда ўтган Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Буюк Британия кенгашининг навбатдаги мажлиси ҳамда «Ўзбекистонда бизнес қилинг» туркумидаги семинар иқтисодиёт, савдо ва сармоя соҳаларида ҳамкорликни янада кенгайтириш учун имкониятлар катта эканлигини кўрсатди.

Тошкентда Халқаро Вестминстер университети ҳамда Британия кенгашининг бўлими фаолият кўрсатмоқда. Илмий-техникавий соҳада, соғлиқни сақлаш ва бошқа йўналишларда мунтазам мулоқотлар йўлга қўйилган.

Ўзбекистон билан Буюк Британия

ўртасида ташқи сиёсат ва мудофаа маҳкамалари, хавфсизлик идораларининг ҳамкорлигини ривожлантириш ҳам доимий эътиборда. Жорий йил бошида Бирлашган Қироллик ҳуқуқ-тартибот органларининг делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Ташриф асосида уюшган жиноятчилик, халқаро террорчилик, наркотикларнинг ноқонуний савдосига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланди.

Оқсаройдаги учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Элчи самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

ЎЗА



Мамлакатимизда

- Жиззах шаҳрида янги диагностика маркази фаолият кўрсата бошлади. Сиҳат-саломатлик йили вилоят дастурида белгиланган режага мувофиқ марказнинг биноси тўлиқ таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди.

- Бухоро педагогика касб-ҳунар коллежида мактаб битирув ёшидаги ўқувчилар учун очик эшиклар кuni ўтказилди.

- Қорақалпоғистоннинг Эликқалъа тумани пайкалларида ғўза гуллади.

- Норин тумани пиллакорлари бу йил 3252 кути ипак куртини парваришлаб, мўл хирмон яратишди. Қабул пунктларига 171 тонна саноатбон хом ашё топширилди. Ҳар кути ҳисобига етиштирилган ўртача ҳосил 53 килограмми ташкил этди.

- Бухоро қоракўп заводи ва Тюмень тери-мўйна фабрикаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Унга кўра завод 500 минг АҚШ доллари миқдориде тери етказиб беради.

- Кўнғирот туманидаги «Гулдаста» болалар боғчасида «Отам, онам ва мен» мавзусида танлов ўтказилди.

- Баёвут туманидаги «Нодир» хусусий фирмасида спорт кийимлари ва мактаблар учун кураш ғиламлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Жаҳонда

- Дунёнинг энг бой мамлакатларидадан бири бўлган Норвегия ўз мустақиллигининг 100 йиллигини нишонламоқда. 1905 йилда Норвегия парламенти бир овоздан Швециядан ажралиб чиқиш тўғрисидаги қонуни қабул қилган эди. БМТ Бош қотиби Кофи Аннан Норвегия халқини бир асрлик тўйи билан табриқлар экан, бу икки Скандинавия мамлакатларининг ажралиш жараёнини бугунги кун учун ҳам намуна сифатида эътибор этди.

- Стокгольм халқаро институти эълон қилган маълумотларга қараганда 2004 йилда дунё мамлакатларининг ҳарбий мақсадларда ишлатилган жами харажатлари 1 триллион доллардан ортиб кетди.

- Боливияда газ саноатининг давлат ихтиёрига ўтказилиши ҳамда мамлакатда конституциявий ислохотлар бошлашни талаб қилиб аҳоли норозилик намойишига чиқди.

- Гаага Халқаро трибунали Суданнинг Дарфур музофотида амалга оширилган ҳарбий жиноятларни ўрганишга киришди. Бу ҳақда трибунал бош прокурори Луис Монеуро Окампо маълум қилди.

- Би-Би-Си таркатган хабарларда айтилишича, Буюк Британияда Пентагон ва NASA агентлигининг компьютер тармоқларини бузишда шубҳаланаётган шахс ҳибсга олинди.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кuni

Янгиликлар, воқеалар

ҚУСҚА

• КЕЧА Собир Раҳимов туманида

Тошкент шаҳар Солиқ бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган семинар «Солиқлар — бунёдкорлик манбаи» деб номланди.

• СИҲАТ — саломатлик йили муносабати билан КЕЧА Миробод туманида тиббий хизмат клиникасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

• КЕЧА Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида, Тошкент Давлат юридик институтида битирувчи талабаларга дилгоҳлар топширилди.

• КЕЧА Республика Ақшурлик ва гинекологик илмий текшириш институтида бўлиб ўтган «Эндокрин ва унинг доллар муаммолари» мавзусидаги анкуманда гинеколог, андролог шифокорлар иштирок этишди.

• КЕЧАдан Сергели политехника касб-ҳунар коллежиде, 268, 284-мактаблар қошида ташкил этилган ёғи оромгоҳлар ўз фаолиятини бошлади.

• УЧТЕПА туманидаги Алишер Навоий ҳамда «Ширин» маҳаллаларида «Қамолот» ЕИХ туман Кенгаши ташаббуси билан Жаҳон тиллари университети талабалари ҳамкорликларида ёшлар ўртасида иккинчи иондан ташкил этилган «Тилларни ўрганишимиз» деб номланган дарс машғулотлари давом этмоқда. Ушбу машғулотлар иккинчи ионда якуланиди.

• ЎТГАН кuni Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон Республикаси саноатининг электротехника тармоғи, электрон маиший техника ишлаб чиқаришининг инвестицион салоҳиятини ривожлантириш масканлариға бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда чет эллик сармоядорлар учун яратилган имкониятлар, солиқ тизимидеги имтиёзлар бўйича ахборот берилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон олиб борилаётган текширув ишлари ҳамда Андижон шаҳри ва Андижон вилоятида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар мониторингини амалга ошириш бўйича мамлакатимизда фаолият юритаётган Россия, ХХР, АҚШ, Франция, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон элчихоналари вакилларида иборат ишчи гуруҳини тузиш ҳақидаги таклиф билан чиққан эди.

ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИ

Мазкур ишчи гуруҳини тузишда унда энг манфаатдор томонлар — жаҳон ва минтақа миқёсидаги етакчи давлатлар, шунингдек, Ўзбекистонга қўшни барча мамлакатларнинг кенг иштирокини таъминлашга устувор аҳамият берилди.

8 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйда мазкур ишчи гуруҳининг биринчи ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Эрон Ислам Республикаси, Ҳиндистон, Покистон Ислам Республикаси ва барча Марказий Осиё давлатларининг элчилари ва элчихоналари ходимлари иштирок этди.

Ҳозирча гуруҳ ишида иштирок этишини тасдиқ-

ламаган АҚШ ва Франция элчихоналарининг вакиллари тегишли манфаатдорлик пайдо бўлган тақдирда, йиғилишда таъкидланганидек, ишчи гуруҳиға исталган вақтда қўшилиши мумкин.

Йиғилишда бир қатор ташкилий масалалар ҳал этилди. Ишчи гуруҳининг қотибияти тузилди.

Ишчи гуруҳи билан ҳуқуқ-тартибот идораларининг тезкор-тергов гуруҳлари ва Олий Мажлиснинг мустақил комиссияси ўртасида бевосита алоқа ўрнатилди.

Ишчи гуруҳи билан учрашувда парламент комиссияси, Ташқи ишлар вазирлиги, республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон томони ишчи гуруҳининг тўла-

қонли ва ҳолис фаолият юритиши учун ҳар томонлама кўмаклашишга, унинг барча зарур материаллардан фойдалана олишини таъминлашга тайёр эканлигини билдирди.

— Биз бундай ишчи гуруҳи тузилганлигини қўллаб-қувватлаймиз, — деди Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшин. — Бу Андижонда рўй берган воқеалар ва олиб борилаётган текшириш ишлари ҳақида жаҳон жамоатчилигига ҳолис ахборот етказиш борасидаги гоаят муҳим қадамдир.

Ишчи гуруҳи йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазирини Э.Фаниев иштирок этди.

ЎЗА

РЕСПУБЛИКА АЁЛЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Яқинда «Барқамол авлод— 2005» спорт уйинлари ниҳоясига етган Чирчиқ шаҳрида бугун яна бир спорт мусобақасига старт берилди. Бу ердаги Олимпия захиралари коллежиде 9-12 июнь кунлари Республика аёллар спартакиадаси бўлиб ўтади. Ушбу спорт мусобақаси Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва қатор жамғар-

ма, ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Биринчи бор ўтказилаётган мазкур спартакиадада Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритган 400 нафарга яқин аёллар спортнинг бир қатор турлари бўйича беллашадилар.

Спартакиаддан кўзда тутилган мақсад аёлларни спортга кенгроқ жалб этиш ва шу орқали уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашдан иборат.



Транспорт

**МУХИМ
ВАЗИФАЛАР
БЕЛГИЛАНДИ**

Пойтахтимизда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш жараёналари кўлами ортиб бормоқда. Утган йилнинг ўзига ҳам бу борада кўплаб ижобий натижаларга эришилди.

“Тошшаҳарйўловчитранс” акционерлик компанияси кенгашининг навбатдаги йиғилишида кўлга киритилган бу ютуқлар сарҳисоб қилинди. Компаниянинг шу йил мобайнидаги молявий-хўжалик фаолияти масаласи ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Аудитор текширувидан шу нарса маълум бўлдики, аҳолига транспорт хизматишни ташкил этишда корхона ва автосаройларда қатор илгор тажрибалар орттирилди. Буларнинг аксарияти жойларда таъбиқ этиш учун тавсия қилинди.

БИЗНЕС-РЕЖА

Хар сафаргидек бу йил ҳам шаҳар транспорт тармоғида, қатор долзарб масалаларни ижобий ҳал этишга эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнларни ифодалаш учун компаниянинг янги бизнес-режаси ишлаб чиқилди.

Ушбу йўриқнома 9 бўлимдан иборат бўлиб, уларда соҳанинг муҳим йўналишлари истиқболлари ўз аксини топди. “Фаолият тури ёки кўрсатилмаган хизматлар”, “Баҳолаш ва амалга ошириш бозори”, “Савдо бозоридидаги рақобат” каби бўлимлар бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Бундан ташқари йўловчи ташиш, йўловчи айланиши ва даромадлар режаси бўйича олиб бориладиган ишлар транспорт хизмати тизимининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

**СОҲА
ИСТИҚБОЛИНИ
КЎЗЛАБ**

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш рентабеллигини босқичма-босқич ошириш натоҳасида “Тошшаҳарйўловчитранс” компанияси фаолияти шу кун талаби асосида йўлга қўйилмоқда.

Компания билан республика Молия вазирлиги томонидан махсус қарор лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ҳам айна мудио бўлди.

Ушбу ҳужжатда шаҳардаги транспорт йўналишларини оптимallasштириш, сарф-харажатларни камайтириш, ҳаракат таркибининг янгилаш каби масалалар ҳам ўз ифодасини топди.

Алоқа

**ТЕХНИКА
ИЖОДКОРЛИГИГА
КЕНГ ЙЎЛ**

“Ўзбектелеком” ҳиссасдорлик компанияси “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиалининг Ахборот ҳисоблаш марказида кўплаб рационализаторлик таклифлари илгари сурилмоқда “Алкател” электрон станциясини дастурий мослама билан шахсий компьютер орқали туташтирувчи қурилмани яратиш” деб номланган техника ижодкорлиги эса марказ жамоасига шухрат келтирди.

Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, бу самарали изланиш “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги энг яхши рационализаторлик таклифи ва ихтироси” деган мавзуда уюштирилган республика танловида юқори баҳоланиб, совринли иккунчи ўрин билан тақдирланди.

Мазкур танловда “МРЦ турдаги коммутаторларни “АХЕ-10” станцияси билан туташтирувчи мослама”, “Автоматик коммутация тармоғини компьютер билан туташтирувчи қурилма” деб номланган техника ижодкорлиги муаллифлари муносиб тақдирландилар.

Акбар АЛИЕВ



“ЎЗКАБЕЛЬ” ОДИМЛАРИ

Бундан роппа-роса 65 йил илгари пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек тумани ҳудудида жойлашган “Ўзкабель” корхонаси пойдеворида биринчи гишт қўйилганди. 90-йилларга қадр муайян даражада шаклланган корхона ҳаётидаги ўзгаришлар асосан мустақилликда ўтган сўнгги 14 йилга тўғри келди. У замонавий хорижий технология ва ускуналар билан жиҳозланди ва “Ўзкабель” Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси деб ном олиб, акциядорлик жамиятига айлантирилди.

Йиллик ҳисоботлар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган 2004 йилда 16 миллиард 500 миллион сўмлик кабель махсулотлари ишлаб чиқарилиб, бунинг 11 миллион АҚШ доллари тизидроқ қисми Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Озарбойжон, Арманистон, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа давлатларга экспорт қилина бошланди. Жорий йил мобайнида ҳам бу ерда 5 миллиард 201 миллион 300 миң сўмлик махсулот тайёрланди. Бунинг ҳам бир миллион долларига тенг бўлаги хорижга экспорт қилинди. Аини пайтда корхона махсулотлари халқ хўжали-



нинг барча жабҳаларида кенг фойдаланилпти. Шунингдек, бу ерда Финляндия, Франция, Венгрия сингари давлатларнинг машҳур компанияларида тайёрланган технология ҳамда дастгоҳлар билан бирга Америка Қўшма Штатларида ишлаб чиқарилган “Саутвайер” фирмаси махсулоти — мис катинкаларини узлуқсиз эритиб, зарур ўлчамдаги симлар тайёрлаш технологияси ҳам ўзлаштирилган. — Ҳа, истиқлол йиллари мамлакатимизда мислсиз ижобий ўзгаришлар рўй берди, — дейди қўшма корхона бош директори Омонилла Ибрагимов. — Хорижий сармоядор-

лар билан алоқамиз кенг ривож олди. Қўшимча иш ўринлари яратилди.

Махсулотларимиз жаҳон бозорига “Made in Uzbekistan” деган ёрлиқ билан кира бошлади. Улар орасида “Ўзкабель” махсулотлари борлигидан фахрлансак арзийди.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг умумий кўриниши; ишчи Салоҳиддин Ўрмонов; (чапдан) ишчи Зухра Мўминкулова, цех бошлиғи Файзулла Усканов ва Дмитрий Амелин. Д.Юсупов (ЎЗА) олган суратлар.

Маиший хизмат

**ЙИЛ БЎЙИ
БАҲОРИЙ КАЙФИЯТ**

Чилонзор туманидаги “Жасмин” гўзаллик саломи ходимлари бир неча йиллардан буён ҳамшаҳарларимизга намунали маиший хизмат кўрсатиб келмоқдалар.

Ушбу гўзаллик масканига ташриф буюрсангиз дилингиз хушнуд бўлиб, кайфиятингиз кўтариллади. Чунки салон дид билан безатилган бўлиб, мижозларга яратилган қатор

қулайликлари билан алоҳида ажралиб туради. Айниқса, салон ходимлари ҳар бир мижозга алоҳида эътибор кўрсатиб, хушмуомалалик билан қаршилайдилар ҳамда уларга косметология, замонавий сартарошлик, маникюр, тирноқ парвариши, визаж, татуаж усталари намунали хизмат кўрсатишади.

Эътиборли томони шундаки, илгор, юксак самарали ускуналар ёрдамида хотинқизларнинг юз, бош териларини самарали даволаш, депиляция ишлари ҳам амалга оширилади. Сифатли хизмат кўрсатиш учун эса жаҳонга машҳур “Shvaskopf” косметология компа-



нияси билан шартнома асосидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик қўл келмоқда.

Бундан ташқари, жамоа ахлининг ўз касбига меҳр қўйган усталари ҳар бир мижозга малакали маслаҳатлар беришади. Бу ерда уларга картотека тузилган бўлиб, мижозларга яқка тартибда ёндошилади. Ташриф буюрувчилар деярли навбат кутишмайди, аввалдан келишилган вақтда салонга келган мижозлар бехуда вақт сарфламайдилар, мабодо шундай зарурият туғилса, улар асло зериқмайдилар, чунки юмшоқ мебелларда ўтириб хордиқ чиқариш, чой, қахва ичиб телевизор томоша қилиш ҳамда энг замонавий соч турмақлари, косме-

**ЖАМҒАРМА
МАНЗИЛГОҲИГА
ЖЎНАТИЛДИ**

Германиядан мамлакатимизга навбатдаги инсонпарварлик юклари «Соғлом авлод учун» жамғармасининг манзилгоҳига жўнатилади.

Бу ёрдам «Берлин-Митте» соғлиқни сақлаш муассасаси ва Бавария Қизил Ҳоч ташкилоти томонидан «Тиббий кўприк» фирмаси ҳамда мамлакатимизнинг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси кўмағида амалга оширилди.

Ўзбекистонга юборилган мазкур инсонпарварлик юклари ногиронларнинг аравачалари ва улар учун юриш мосламалари, замонавий касалхона тўшақлари ҳамда турли тиббий ускуна ва жиҳозлардан иборат. Булардан ташқари, республикамизга юбориш учун 600 миң евродан зиёд маблағ миқдоридидаги дори-дармонлар ҳам ҳозирлаб қўйилган.

«Жаҳон» АА.

**РЕКЛАМАЛИ
БУКЛЕТ**

Мамлакатимиздаги тўнғич корхоналардан ҳисобланган Тошкент тажриба таъмирлаш-механика заводи 75 ёшга тўлди. Эндиликда “Ўзагроماشсервис” уюшмаси таркибида фаолият кўрсатаётган бу йirik корхона қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда металл қайта ишлаш соҳасида бой тажриба орттирди.

Завод ўқув-лаборатория жиҳозлари ишлаб чиқариш билан ҳам яқиндан шуғулланмоқда. Корхонанинг шунга ўхшаш бошқа кўп қиррали фаолияти яқинда чоп этилган реклама буклети нашрида ўз ифодасини топди. Унда корхонанинг 75 йиллик санаси билан боғлиқ тараққиёт босқичлари ҳам кенг ёритилди.



**Муҳаббат
ХАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: “Жасмин”**

гўзаллик саломи жамоасининг иш фаолиятидан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар.

Санъат

ЁРУФ ЮЗ
БИЛАН

Францияда ўтказилган бу сафарги ёш мусиқачилар халқаро танлови машхур рус композитори Глазуков ижодида бағишланди. Бу нуфузли маҳорат кўригида республикамиздан борган ёш истеъодлар ҳам фаоллик кўрсатдилар.

Шуниси қувонарлики, унда бир йўла тўрт нафар ёш скрипкачи танлов голиби бўлди. Глиэр номидаги республика махсус мусиқа академик лицейдан Бобуржон Муҳаммаджонов билан Сардор Турсуновларнинг скрипкада ижро этган композитор асарлари тингловчиларда завқ-шавқ уйғотди.

Успенский номидаги республика мусиқа лицейининг ёш истеъодларидан Динора Собитова ҳамда Анна Цукерваниклар ҳам ижрочилар маҳоратларини ёрқин намойиш этишди. Улар ёруғ юз билан мамлакатимизга қайтиб келишди.

КАРТИНАДА —
РАССОМ
ОБРАЗИ

Таниқли мўйқалам устаси Жавлон Умарбеков томонидан зўр маҳорат билан яратилган картиналар кўчлик муҳлисларга яхши маълум. Унинг «Катта сув», «Ўтмиш — болалик», «Менинг дўстим» каби йирик полотнолари халқаро кўргазмаларда бир неча бор намойиш қилинган. «Тошкентнинг 30 кўриниши» туркуми, «Наврўз» монументал полотноси каби асарлари ҳам унинг шахсий кўргазмаларидан ўрин олган.

Рассомнинг автопортретида ҳам санъаткорнинг миллий ижодкор мусаввир эканлиги кўзга яққол ташланади. Ана шу картина рассомнинг шоғирди Татьяна Немцовични янги картина чишга илҳомланганди. Бутун вужуди билан ижода берилган кўринишда тасвирланган бу асар Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков таваллудининг 60 йиллигига яхши ижодий совға бўлди.

ҲАЁТИЙ
ФИЛЬМЛАР

Ўзининг кўпбандий ва телевизион фильмлари билан томошабинларга яхши танилган кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимов учун бу йил самарали бўлмоқда. Санъаткор яратган «Дев билан пакана» бадий фильми ҳам томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди.

Шу кунларда истеъодли кино устаси янги постановкаларни суратга олиш билан банд. Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳри ҳақида ҳикоя қилувчи экран асари шулар жумласидан.

Кино санъатининг эстетик жанрида тайёрланаётган бу фильмда режиссёр ижодининг яна бир муҳим йўналиши намойиш бўлади.

Атоқли ёзувчи Асқад Мухтор ҳикояси асосида суратга олинмаган навбатдаги фильм устида ҳам жиддий иш олиб борилди.

Али АКБАРОВ

Тадбирлар

ДАВРА СУҲБАТИ

Жамиятимизда эркин фикрли, ҳуқуқий тафаккури кенг, юксак маънавияти, билимдон ёшларни миллий гуруҳ ва диний-мафкуравий ғоялар асосида тарбиялаш долзарб масалалардан биридир. Хусусан, миллий ифтихор, диний бағрикенглик каби мавзуларни кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш юзасидан жойларда кўпгина тадбирлар ўтказилмоқда.

Мана шундай тадбирлардан бири яқинда «Ўзкимёполимерсавдо» очик ҳиссадорлик жамиятида «Ислоҳ динининг асл моҳияти» мавзуси остида ташкил этилди. Давра суҳбати тарзида ўтган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели тумани бўлими ҳамкорлигида ташкиллаштирилди. Унинг қатнашчилари Президентимиз ташаббуси билан ёшларда соғлом эътиқод ғояларини шакллантириш, ватан туйғусини келажагимиз ворислари қалбларида шакл-

лантиришни кенг тарғиб қилиш масалалари юзасидан атрофлича тўхталиб ўтишди. Шунингдек, турли хил жиноий гуруҳлар сафига билиб-билмай кириб қолаётган ёшлар тарбияси билан боғлиқ масалалар устида ўринли фикрлар билдирилди. Терроризм ва экстремизм туншуналари ҳақида аниқ маълумотлар берилиб, бу бузғунчи жараёнларга қарши курашиш ҳар биримизнинг вазифамиз эканлиги айтиб ўтилди.

Юлдуз РИЗАЕВА

Тиббиёт

САЛОМАТЛИК
ДАСТУРИ АМАЛДА

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастурини амалга ошириш йўлида «Тошшаҳарйўловчитранс» акционерлик компанияси томонидан ҳам тадбиркорлик билан иш юритилмоқда. Транспортчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий муолажаларни янада яхшилаш мақсадида кўшимча тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Жамоа шартномаларида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Уларда йил давомида корхоналарда ойлик иш ҳақи фонднинг 3-5 фоизини корхона касабга кўмитаси ҳисоб рақамига ўтказилади. Бу маблағлар

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастурини амалга ошириш, корхоналарни ижтимоий ривожлантириш учун сарфланмоқда. Тошкент метрополитени, 2- ва 3-автотбус саройлари, 8-автотбус саройи ва компа-

ниянинг қатор бошқа корхоналарида бу борада ибратли ишлар қилинаётганини айтиб ўтиш жоиздир. Мониторинг натижаларига кўра 20 га яқин корхона бу ҳайрли ишга яқиндан бош қўшмоқда.

«Игна билан қудуқ қазийшдек «заҳматли меҳнат — илм-маърифат йўлини танлаган, иқтисод фанлари доктори, профессор Гулчехра Назаровани ҳам ана шундай фидойи инсонлар қаторига қўшасангиз хато қилмаймиз. Изланувчан, интилувчан, юзлаб шоғирдлари элу юрт ривожи йўлида хизмат қилаётган, илмий мақолатури рисоалар, китоблар ёзиб кенг жамоатчиликка танилган, 1994 йилдан бери Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Жаҳон иқтисодиёти» факультетининг «Жаҳон иқтисодиёти» кафедраси мудири лавозимида ишлаб келаётган олимпиада мустақил диёримизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий ислохотларда фаол қатнашиб келмоқда.

Гулчехра Назарова 1955 йилда зиёли оилада таваллуд топди. Ёшлигидан жуда тийрак бўлган қизалоқ 1962 йилда 96-ўрта мактабга ўқишга кириб уни 1972 йилда олтин медал билан тамомлади. Илм-маърифатли, талабчан ота-онанинг меҳру муҳаббати, тўғри йўлни кўрсатиб, берган яхши тарбиялари туфайли Гулчехра илм олишга, ҳаётда яхшиларга эргashi, зиё, заҳматидан чўчимай бу йўлда дадил қадам қўйиб вояга етди. Мактабни тамомлаган йили Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети) га ўқишга кирди ва уни 1977 йилда имтиёзли диплом билан тамомлади. У 1977-1983 йилларда ўзи ўқиган институтнинг «Иқтисодий кибернетика» кафедраси асистенти ва изланувчи-тадқиқотчиси вазифаларида масъулият билан иш олиб борди.

1983 йилда аспирантурага ўқишга кириб, интилувчанлиги, ўзи севаган соҳага бўлган муҳаббати туфайли 1985 йилда

муддатидан олдин номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

У орзусига етиш йўлида изланди, ўқиб-ўрганди. 1990 йилда «Халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедрасида доцент бўлиб ишлаш билан бирга докторлик ишини ёқлаш учун ҳаракат қилди ва 1991 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1992 йилда эса «Иқтисодий кибернетика» кафедрасининг профессори (1993 йилда унга профессор унвони берилди), 1994 йилдан бери эса «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедрасини бошқариб келмоқда.

Ўтган йиллар давомида кафедра-

дипломини олишга омиш бўлди.

Олиманинг 120 дан ортиқ илмий, ўқув-услубий ишлари ўзбек, рус ва инглиз тилларида республикамиз ҳамда хорижий мамлакатларда чоп этилган. Унинг раҳбарлигида 11 та докторлик, 20 та номзодлик, 20 та магистрлик дипломлари ёқланган. У илмий ва педагогик фаолияти давомида 50 дан ортиқ халқаро, республика ва университет миқёсидаги илмий-амалий анжуман ва семинарларда иштирок этган, бир қатор конференцияларнинг ташкилотчиси.

Гулчехра Назарова серғайрат ташкилотчи, замон билан ҳамнафас фаол аёллардан. У 2003 йилда аёлларнинг жамия-

тимиздаги ўрнини мустаҳкамлаш, илмий, маданий салоҳиятини ошириш мақсадида нодавлат нотижорат аёллар жамоаси — «Гулзар» тадбиркор аёлларнинг халқаро илмий таълим марказини ташкил этиб, уни бошқариб келмоқда.

Шунингдек у олимпиа, моҳир мураббий, илм-фан тарғиботчиси бўлиш билан бирга зиммасидаги аёллик, оналик, меҳрибон ёр, садқатли дўст каби вазифаларини ҳам беқамро кўст адо этиб тўқис бекалик бахтига эришган инсон. У турмуш ўртоғи Рустам Назаров билан аҳил турмуш кеңиб, уч нафар фарзандларини ақлли-хушли, илмли, комил инсон қилиб вояга етказди. Қизлари Раъноҳон — иқтисодчи, иқтисод фанлари номзоди, Индира иқтисодчи, юрист, ўғиллари Темур — Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси. Фарзандлар ота-она тутган йўлнинг, хайрли ишларнинг, уч нафар набера эса умр карвонининг давомчилари дидир.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Сотилиш заҳматкашлари

ИЛМ ИЗЛАГАН КАМ
БЎЛМАЙДИ

Фидойи ва заҳматкаш инсонлар ҳамма вақт жамият орасида катта эътибор ва ҳурматга сазовор бўлиб келишган. Уларнинг ҳар бири ўз сўзи, ақли, билими ва ибратли фаолияти билан кўзга кўриниб, замондошларини яхшилик сари етаклаган.

нинг профессор-ўқитувчилари томонидан 2000 га яқин мутахассис кадрлар тайёрланди. Гулчехра Назарова моҳир педагог сифатида ҳам ҳурмат қозонган.

Тиниб-тинчмас олиманинг хорижий муаллимларнинг иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган илмий асарларини кунт билан ўрганиши ва илмий-амалий фикрлар алмашуви Г. Назаровани Тошкент хорижий тиллар институтида инглиз филологиясини ўрганиш ва мутахассис дипломини олишга чорлаган бўлса, унинг ўз илмий ғоялари ва илмий ишларининг тасдиғи Марказий Осиёда биринчи бўлиб АҚШдаги Фулбрайт жамғармасининг халқаро иқтисодий муносабатлар бўйича

Европада энг катта ҳисобланган Хитрой аэропортига 21 ноябрь куни келиб тушди. Бу вақтда Ўзбекистонда кунлар ҳали иссиқ, одамлар энгил кийимда эди. Лондонда эса ҳаммаси акси эди. Оёғимни ерга қўйганим захотиёқ қорнинг қалинлигидан кўзим қамашиб кетди.

Етоқхонадаги ҳамроҳим немис экан ва очигини айтсам, унинг "Сен билан немис тилида гапласанга майлими?" деган саволдан қувониб кетдим. Мен бошланғич синфларда рус тилини, сўнг, лицейда англиз, турк, араб тилларини яхши ўзлаштирдим. Тўғриси-чаллик мустақил равишда немис, француз, япон тилларини ўрганишга ҳаракат қилдим, аммо унча уйдасидан чиқа олмадим. Эндиги қулай кўлган фурсатдан фойдаланмаслик кўлган фурсатини бой бериш эди — ҳонадошимдан миннатдор эдим.

Шундайликча шундай, лекин ўз юртиндан олисда яшаш, қолаверса она тилингда ҳеч ким билан ойлаб гапласмаслик кишига жуда оғир экан. Ватан кадрини ундан олислашгандагина тўлиқроқ ҳис қилиш нималигини энди

тушуниб етдим. Бошқа тилда гапириш, ёт элда яшаб, у ерга хос фикрлаш одамни руҳан ўзидан узоқлаштиради, гўё сен йўқсан, кимнидир ўрнида яшаётгандек туюлади...

Биринчи мартаба дарога борган куним ҳеч қачон эсимдан чикмаса керак. Турли мамлакатлардан келган ўртоқларим орасида ўзимни танитишга имконият яратилганидан хурсанд бўлган ҳолда ўзбекистонлик эканлигимни эълон қилдим. Талабалар турли саволлар билан кўмиб ташлашди. Тўғриси-чаллик айтсам, келган кунимданок кўп тилларни билишмдан хурсанд бўлдим-у, бироқ ўз тарихимни яхши билмаганимдан хурсанд бўлдим жуда хафаман. Негаки дўстларим Ўзбекистон ҳақида биринчи мартаба эшитиб турган бўлсаларда, аммо буюк сиймоларимиз тўғрисида анча маълумотга эга эканлар.

Тенгдошларимни биздаги таълим тизими жуда қизиқтирди. Чунки улар битта соҳага ихтисослашган ва бошқа

бир соҳанинг оддийгина нарсаси ҳам уларга жуда мураккаб бўлиб туюлади. Бу эса мени хайратлантирди. Улар билан яқиндан танишганимдан сўнг биз-

нинг таълим тизимидаги устунликларини яққол ҳис қилдим. Англияга келишим олтидан у ерда ҳамма нарсани англиз тилида олиб борилади деб, яқинларим суратларидан

ташқари бошқа биронта китоб ёки куй-қўшиқларимиз ёзилган тасмалар олиб келмаган эканман. Бу эса ўзга юртда яшаётган киши учун энг янғил ҳолат

кишисан, қолаверса бўлгуси ҳуқуқу-носсан, шунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатли ҳукм чиқаришиг керак», деган гаплари ёдима тушди. Шунда ахир мен Лондонга тўрт йилга

фақат илм олиш учун келганман, ортимга, Ўзбекистонга, ўртоқларим, онам бағрига яна қайтаман-ку, деган фикр кўнглимни тинчитди.

Аммо бу ерда бир нарсани жуда яхши англаб етдимки, Ватан тушунчаси маъмув тушунча эмас экан, ҳар қандай меҳрибон аёл ҳам онагини ўрнини ҳеч қачон боса олмаганидек, бой ривожланган давлатда яхши яшасангда, юртингдайдек кўнғил хотиржамлиги билан яшай олмас экансан.

Қолаверса, тузилган ериндан бир қадам четга чиқдингми, сен истасанг-истамасанг мўжожир ҳисобланасан. Бу эса ўз-ўзидан маълум бир ҳуқуқлардан маҳрум қилади. Шунинг учун ўзга юртларга билим олиш, бойлик ортириш, яхши яшаш мақсадида чиқиб кетаётган тенгдошларим ҳар қанча имониятларини фақат Ўзбекистоннинг эртанги кунини учун сарфлаши, уларга фақат шу юртгина онадек тўла тўқис бағрини очиб, беминнат имониятларни яратиб бера олишини унутмасликларини истардим.



ИЛМ-ФАНГА БАХШИДА УМР

Бу инсонни билмаган ва танимаганлар бўлмасе керак. Олима-археолог ва шунчаки аёл бўла туриб, бутун умрини илм-фан ривожига, она-юрти тарихини ўрганишга бахшида этган, унинг қазилмалари орқали неча-неча асрлар илгари айнан шу заминдан кўплаб цивилизацияларга асос солинганлигини кашф этиб, Ўзбекистон дунёга таранум этган Галина Пугаченкова бу йил 90 ёшга тўлди.

Профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Франциядаги Страсбург университетининг фахрий доктори, бир қатор хорижий илмий жамиятлар аъзоси... Машҳур олима сазовор бўлган бу ун-вонларни узоқ давом эттириш мумкин. Галина Пугаченкова Ўрта Осиё маданияти тарихининг тадқиқotchиси. У жаҳон тарихидан алоҳида ўрин олган Халчаян, Дальверзинтепа, Кампиртепа, Айттама каби йирик археологик ёдгорликларда илмий изланишлар олиб борган, шунингдек турли санъатшунослик экспедициялар ташкилотчиси ҳамда раҳбари бўлган.

Галина Пугаченкова қаламига бир неча монографиялар, 600 дан зиёд илмий мақолалар ман-публикаси Фанлар академияси доктори, Франциядаги Страсбург университетининг фахрий доктори, бир қатор хорижий илмий жамиятлар аъзоси... Машҳур олима сазовор бўлган бу ун-вонларни узоқ давом эттириш мумкин. Галина Пугаченкова Ўрта Осиё маданияти тарихининг тадқиқotchиси. У жаҳон тарихидан алоҳида ўрин олган Халчаян, Дальверзинтепа, Кампиртепа, Айттама каби йирик археологик ёдгорликларда илмий изланишлар олиб борган, шунингдек турли санъатшунослик экспедициялар ташкилотчиси ҳамда раҳбари бўлган.

Галина Пугаченкова қаламига бир неча монографиялар, 600

қасини ўрганиш билан бир қаторда 30-йилларда ўзбек музыкаси маданияти билан қизиқа-рошларда. Ўзбек халқининг асфоник поэма, бешта увертюра, тўртта концерт, дамли оркестр ҳамда халқ қолғу асбоблари учун асарлар; урта секстет, тўртта кваттет, фортепиано учун 150 та асар, скрипка учун 12 та дуэт, виолончель учун 70 та пьеса, 150 романс ва кўшиқлар, спектакль ва фильмларга мусиқа ёзган.

Бу толмас ижодкорнинг турли жанрларда мохирона яратган асарлари мусиқа маданияти хазинаси фондидан қимматли ўрин эгаллаган. Глиэр ўзининг педагогик фаолиятида устозларидан мерос қилиб олган тамойилларга таяниб ва бор билим ва маҳоратини имкон борича ўз шоғирдларига етказишга ҳаракат қилди. «Хамиша ўз олдингизга янги ва яна янги вазифаларни қўйинг ва эришилган муваффақият билан қаноатланг қолмасдан ҳамма вақт олдинга интилиб бориинг. Консерватория — бу минимум, муҳими — бу ҳаёт», деб таъкидларига эди бастакор ўз шоғирдларига.

Глиэр ўзбек мусикаси соҳасида иш олиб борар эди, у биргина ёзиш билан чегараланиб қолмади. Ўзбекча услубдаги асарларни тингловчиларга етиб бориши ва қайси даражада таъкид қилиши билан ҳам маҳоратини қўйди. С.Прокофьев композитор сифатида шухрат қозонган даврларига эҳтиромига бўлди.

Глиэр ўзбек мусикаси соҳасида иш олиб борар эди, у биргина ёзиш билан чегараланиб қолмади. Ўзбекча услубдаги асарларни тингловчиларга етиб бориши ва қайси даражада таъкид қилиши билан ҳам маҳоратини қўйди. С.Прокофьев композитор сифатида шухрат қозонган даврларига эҳтиромига бўлди.

Глиэр ўзбек мусикаси соҳасида иш олиб борар эди, у биргина ёзиш билан чегараланиб қолмади. Ўзбекча услубдаги асарларни тингловчиларга етиб бориши ва қайси даражада таъкид қилиши билан ҳам маҳоратини қўйди. С.Прокофьев композитор сифатида шухрат қозонган даврларига эҳтиромига бўлди.

Глиэр ўзбек мусикаси соҳасида иш олиб борар эди, у биргина ёзиш билан чегараланиб қолмади. Ўзбекча услубдаги асарларни тингловчиларга етиб бориши ва қайси даражада таъкид қилиши билан ҳам маҳоратини қўйди. С.Прокофьев композитор сифатида шухрат қозонган даврларига эҳтиромига бўлди.

Глиэр ўзбек мусикаси соҳасида иш олиб борар эди, у биргина ёзиш билан чегараланиб қолмади. Ўзбекча услубдаги асарларни тингловчиларга етиб бориши ва қайси даражада таъкид қилиши билан ҳам маҳоратини қўйди. С.Прокофьев композитор сифатида шухрат қозонган даврларига эҳтиромига бўлди.

Глиэр ўзбек мусикаси соҳасида иш олиб борар эди, у биргина ёзиш билан чегараланиб қолмади. Ўзбекча услубдаги асарларни тингловчиларга етиб бориши ва қайси даражада таъкид қилиши билан ҳам маҳоратини қўйди. С.Прокофьев композитор сифатида шухрат қозонган даврларига эҳтиромига бўлди.

МММ Франциядан

ШУ ЮРТ ФАРЗАНДИМИЗ

Бу саховатли заминда қадимдан кўпгина миллатлар баробарида минглаб тожиклар юрт раваннага ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон биз тожиклар учун ҳам ягона Ватандир. Бу дёнёрнинг ободлиги ва барқарор ривожланишига ҳар биримиз имкон қадар хизмат қилмоқдамиз.

осойишталик, миллат ва қавмлар ўртасида ўзаро ҳурмат, ишончни мустаҳкамлашда кўп қиррალი ишларни амалга оширди.

марказлар бошқарув органи — Республика байналмилал маданият маркази бизга раҳнамолик қилиб амалий ёрдам бермоқда.

Кўпгина муваффақиятларни биз юртимизда ҳукм суратётган миллатлараро аҳиллик ва тотувлик туфайли кўлга киритдик. Ушбу бирлик ва аҳилликни янада мустаҳкамлаш йўлида Тошкент шаҳар «Ориёно» тожик миллий-маданият марказининг бошқарув аъзолари ва барча фаоллари 15 йиллик фаолияти давомида халқлар дўстлиги ва ҳамкорлигини ҳамда тинчлик,

Бугунги кунда республикамизнинг Сурхондарё, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида тожик миллий-маданий марказлари фаолият кўрсатмоқда. Бу маданият марказларининг фаолиятини янада ривожлантириш ва биргаликда миллий истиқлол гоёсини тарғиб қилиш мақсадида республика тожик миллий-маданий марказини ташкил қилишни режалаштирганмиз. Бу борада миллий-маданий раис

Шарофат ЭРМАТОВА, «Ориёно» тожик миллий-маданий маркази раиси

Хамкорлик ривожлари

«АЛАДДИН» БОЛАЛАРИ — ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ГОЛИБИ

Шу йилнинг бошида Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган «Сияние звезд» («Ёрқин юлдузлар») халқаро болалар эстрада гуруҳлари ва хонандалари фестивал-танловида ўзбекистонлик «Аладдин» шоу-гуруҳи биринчи ўрин соҳиби бўлди.

— Бу биз учун катта галаба, — дейди «Тошкентнаво» бирлашмаси директори Алишер Эшонқўжаев. — 174 та жамоа беллашувида биринчи ўринни олиш осон бўлгани йўқ, албатта. Россия, Украина, Беларусь, Эстония, Латвия,

олтин, тўртта қумуш ва битта бронза кубокларини кўлга киритди. Бундан ташқари, энг яхши кўшиқ ва энг яхши ракс номинацияларида махсус совринларга ҳам сазовор бўлди. Умумжамоа ҳисобида эса, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўзбекистонлик ёш истеъод соҳиблари биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Чирчилик Ханзада Сапарова дастлабки турда биринчи бўлиб чимкентлик оқин Абилай Науаев билан мусобақалашди. Икки оқин мавзу бўйича анча сўз тебратиб, «қайн айтиш» усулида бири «қайноға», бири «қелин» бўлиб, сахнадан чиқиб кетишди.



«Аладдин» эндиликда Россиянинг Волгоград шаҳрида ўтказилган фестивалнинг таъкидига ҳозирлик кўрмоқда. Бундай тақлиф эса айнан Санкт-Петербургда бўлиб ўтган фестивал голибига инъом этилганди.

Ўзбекистонда аънанавий тус олган «Умид юлдузлари» кўрик-танловининг илк совриндорларидан бўлган «Аладдин» шоу-гуруҳи «Сияние звезд» фестивалидан сўнг «Золотые пески» — Варна (Болгария)да бўлиб ўтадиган халқаро танловга ҳамда Латвия пойтахтида ўтказилган фестивалга ҳам тақлиф этилди. Мамлакатимиз шарафига дунё бўйлаб таранум этилишига ўз ҳиссасини қўшаётган «Аладдин» ижодий жамоасига омад ҳар доим ёр бўлишини тилаб қоламиз.

СУРАТДА: Санкт-Петербургда бўлиб ўтган халқаро фестивалидан лавҳа.

Шу азиз Ватан — барчамизники



Яқинда Тошкендаги Алишер Навоий номидаги Санъат саройида буюқ шоир Абай Қунабоевнинг 160 йиллигига бағишланган халқаро оқинлар айтишуви бўлиб ўтди. Салтанатли айтишунинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар томири бир халқларнинг улғу дўстлигига таянч бўлган сўз мусобақасининг ахамияти ҳақида кўп фикрлар билдиришди. Тадбирда 28 нафар шоир 14 та жуфтликда қатнашди.

АЙТИШУВ — ДЎСТАЛИК ТАЯНЧИ

Шоирлик қобилиятини намойиш қилиб, оғзидан маржон, ақли, кўркам, маъноли сўз чиққан шоирни халқ насл-насабига, ёшга қарамай ардоқлайди. Айтишда голиб шоир халқ олдида шоирликка йўлланма олади. Бу йўлланманинг ёзилмайдиган қозғон — халқнинг қалби. Шоир халқнинг қалбида энг сеvimли, энг ардоқли бўлган одамлар қаторида туради.

Чирчилик Ханзада Сапарова дастлабки турда биринчи бўлиб чимкентлик оқин Абилай Науаев билан мусобақалашди. Икки оқин мавзу бўйича анча сўз тебратиб, «қайн айтиш» усулида бири «қайноға», бири «қелин» бўлиб, сахнадан чиқиб кетишди.

Чимкентлик айтишувчи шоирлари Карима Оралова, Ақмарал Леубаева, Айгул Турбақовалар учирк ўйли гаплари, ўйноқли ҳазил сўзлари-у топиб-топиб сўз қўлланмиш қобилиятлари билан ўзбекистонликларни хушнуд этдилар.

Кўпайлик Қўлмахан Дуйсенов билан Карима Ораловаларнинг, Ақмарал Леубаеванин қараганда-айтишувчи шоирни Қунаш Мақсудов билан етисойлик Айгул Турбақованин қизилурдалик Кенжеғолиб Жусупов билан, мирзачўлиқ Бўрибай Оразимбетов ва олмаоталик Жаидос Богенбаевнинг, шунингдек Асқат Қилишбеков, Калижан

ҳожат йўқлигини дарров тушунган Ойбек шоира-она олдида тиз чўкиб, дуосини олди. Бу билан Ойбек ўзининг узоқни кўра олиши, қаттангин олдида иззатли эканлигини икки мингдан зиёд томошабинлар олдида намойиш этди.

Сўнги ҳал этувчи мусобақадда Ақмарал Леубаева билан Қўлмахан Дуйсеновнинг, Карима Оралова билан Қунаш Мақсудовнинг ва бошқа шоирларнинг ўлан айтишларида мамлакатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистондаги қозоқ театри, қозоқ тилида ўқитилаётган мактабларнинг ривожига кўрсатилаётган ҳамхўрликча оқлашлар билдирилди. Шунингдек маэкур тadbирни юқори савидада ўтказишига ҳар томонлама кўмаклашган Республика байналмилал маркази қошидаги «Багрикенглик» жамағармасига миннатдорчилик билдирилди.

Тадбир доирасида хаваскор ва профессионал кўшиқчилар ҳам ўз дастурларини намойиш этишди. Буюқ шоир Абай Қунабоевнинг 160 йиллиги ҳамда Сихат-саломатлик йилга бағишланган фестивал айтишунинг ҳулосасига кўра голиблар ва совриндорлар аниқла-либ, улар қимматбахшо совғалар билан тақдирланди.

Аънанавий тарзда ўтказиладиган айтишув мусобақасига якун ясалди, аммо бутун эл-юртда Абайнинг шеърлари ўқилимоқда, шоирлар унга дoston бағишлаб, кўшиқчилар кўшиқ қўйлаб, унинг номини ардоқламоқдалар. М.БЕКIROB

Мерос МУСИҚА МАДАНИЯТИ ХАЗИНАСНИ БОЙИТДИ

Атоқли рус композитори, дирижёр, педагог, жамоат арбоби Рейнгольд Глиэрнинг таваллуд топонига бу йил 130 йил тўлди.

салмоқли маком куйлари, жозибадор рақслари композиторини ўзига мафтун қилганди. 1935-1936 йиллар давомида у Т.Жалилов ва Т.Содиқов билан ҳамкорликда «Гулсара» мурат ва эхтиромда бўлди.

Глиэр ўзбек мусикаси соҳасида иш олиб борар эди, у биргина ёзиш билан чегараланиб қолмади. Ўзбекча услубдаги асарларни тингловчиларга етиб бориши ва қайси даражада таъкид қилиши билан ҳам маҳоратини қўйди. С.Прокофьев композитор сифатида шухрат қозонган даврларига эҳтиромига бўлди.

Глиэр ўзбек мусикаси соҳасида иш олиб борар эди, у биргина ёзиш билан чегараланиб қолмади. Ўзбекча услубдаги асарларни тингловчиларга етиб бориши ва қайси даражада таъкид қилиши билан ҳам маҳоратини қўйди. С.Прокофьев композитор сифатида шухрат қозонган даврларига эҳтиромига бўлди.

Глиэр рус, украин халқ муси-

Саҳифа Республика байналмилал маданият маркази ва миллий-маданий марказлар билан ҳамкорликда тайёрланди.

Оила даврасида

суҳбатлар

МУҲИББИЙ ҲИҚМАТЛАРИ

Баъзан киши куч-қувватга эга бўлган энг яқин кишидан кўрмаган мурувватини ўзи ночор ва ҳожатманд бўлган ёт кишидан кўради.

Борлигим қуёшга малол келибди, йўлимни ёритиш увол келибди.
Қарасам, нақ тунда мададим учун, Қадди дол бўлса ҳам Хилол келибди.
Мол ва бойликнинг умри қисқа, тезда завол топади. Аммо яхши ном узок асрлар ўлмай яшайди.

Биров деди: — Обрў бу — мол бўлармиш, Моли борнинг оғзи нақ бол бўлармиш.
— Яхши ном мен учун абадий бойлик, Бу бойлик, айт, қачон завол бўлармиш.
Бир донодан: «Хақиқий ака ким?» деб сўрадилар. «Бошинга иш тушганда, ёрдан берган киши», деган жавобни берди доно.

Ака ким? Мехрибон бўлган ака, Сен учун дили қон бўлган ака.
Ногоҳон бошинга мусибат тушса, Ҳам ошу, ҳамда нон бўлган ака.
Билгинчи, бадан саломатлигини сақлаш инсон олдда турган энг муҳим ишлардан биридир.

Дедим: «Бу феълимдан хуш одат бўлса, Ҳаётим лиқ тўла саодат бўлса».
Деди: «Феълнинг кенгу, саодатлисан, Бордию, баданинг саломат бўлса».
Бутун куч саломатлигини сақлашга қаратилиши лозим, чунки саломатлигини бузилса ҳаётинг ва машаққатинг бузилади, ичишда, ейишда, ухлашда ҳаловат ва роҳат қолмайди.

Бўкиб еб, ҳар киши суюқ кемирар, Ҳар лаҳза, ҳар нафас, ҳар он семирар.
Семирса фойдаси бўлса майлийд, Аксинча ўз танин ўзи емирар.
Сенинг баданингни сенга нисбатан ҳақлари бўлиб, бу ҳақларни ўз вақтида адо қилиш лозим. Бу ҳақ шуки, соғлиқни сақлаш қонунларига тўла амал қилсан, озодлик ва покизалик шартларини ҳойинга қўрсан. Ўтиришда, юришда, туришда, уйқуда, ейиш-ичишда, кийинишда, яшаш жойи ва ҳаводан фойдаланишда қоидага амал қилсан. Шунда табиғат эҳтиёжинг тушмайди, дори-дармон қидириб овора бўлмайсан.

Товуғу, ўрдағу, кўзини еди, Туну қун, лаззатнинг кўзини еди.
Бир қун роса бўкиб еганди таом, Еган таомлари ўзини еди.
Айниқса еб-ичишда эҳтиёт бўлмоқ лозимки, кўп ейиш одамни беҳаловат қилади, ҳам азозларни ожиз қилади, қалб кўзини бекиттади, турли хил иллатларнинг юзгага чиқшига сабаб бўлади.
Кўп едим, ўзимни беҳолат топдим, Семирдим, эл ичра ҳижолат топдим.
Овқатни оз-оз еб, кўп озган эдим, Ҳаётимни енгилу, саломат топдим.

Инсоният яралибдики, меҳрга ташна бўлиб яшайди. Улғайган сари Ватанга, оилага, ота-онага меҳр-муҳаббати ортиб бораверади. Эл-юрти хизматига лойиқ фарзанд бўлиши учун инсонга ота-она меҳри алоҳида ўрин тутайди.
Биз ҳам оилада тўрт фарзанд — ота-онамиз меҳри қўршовида яшаш, тарбия топган бўлсакда, бувижонимизнинг тулган ўрнлари алоҳида эди. У киши бизни еру қўқча ишонмас, «ёлғиз ўлим ўзидан кўлайди», деб бизни ҳатто болалар боччасига ҳам бермай, ўзлари тарбия қилдилар.

Бувижонимиз оилада ҳар биримизнинг ўз ўрнимизни алоҳида қўяр эдилар. Бирон-биримизнинг уйда йўқлигимизни бошқалар сезмаса-да, улар албатта билар эдилар.

Ёшлигимиздаги бир воқеа ҳали ҳамон ёдимда... Мен метоб бўлиб касалхонага тушиб қолган эдим. Отам бувиимга қил-қизил, яхши пишган олма олиб келиб бериб, «енг, оғзингизга олма киринди!», — дебдилар. Бувижоним олмани ўзлари емай, «Дилфуза касалхонадан чиқсин, болаларни ҳаммасига бўлиб бераман!», — деб олмани беркийтиб қўйибдилар. У пайтда олмалар тугаб, анча тақийл пайти эканми, билмадим.

Мен касалхонадан чиқиб, келган куним бувижоним қўларидан олма билан келдиларда: «Болам, шу биринга олма бўлгани ҳам сенсиз ўтмади мендан!», — дебдилар. Уша тобда кўзимга ёш қалқиди-ю, қалбим меҳрга тўлди. Ҳали ҳамон қалбимдаги ўша меҳр туйғуси совиғани йўқ.

Улғайиб, ўқимишли, оилали бўлиб, барчамиз ўзимиздан тиндик. Олийгоҳда ўқиб

Гули катта хонадонга келин бўлиб тушди. Ҳар бир оиланинг ўз қонун-қоидаси бор. Гули қайнона-қайнота, уч овсин, икки қайинсингил ва бир қайиниси қатори худди шу оилада кўпдан яшагандек тезда киришиб кетди. Институтда ўқир, дарс тугаши билан уйига оғуради. Овсинларига қараб ўтирмай тезда кечки овқатга уйнайди. Оила азозлари жам бўлишиб, келинпошша тайёрлаган таомни мактаб таноувул қилганлариди Гули ҳар сафар онасининг насиҳатларини эслайди:
— Қизим, ҳеч қачон меҳнатдан эринма, оилангга сизидиқдан хизмат қилсанг, ҳам бўлмайсан. Қўйин вақтларда оғир бўл, сабр қил, сабр таги сариқ олтин бўлади, обрўингга гард юқтирма, кейин уни кетказиш анча мушкул бўлади...
— Ойижонимдан айланай, деб ўз-ўзига пи-чирлайди Гули, чунки кат-

лари жуда ёқтиришлари овсини Гўзалга эриш туюларди.
Зийрак қайнона Гўзалнинг қилиқларини сезиб, бир кун:
— Гулиой болам, турмушнинг мушлари кўп бўлади. Биз ҳам олти овсин бир хонадонда яшаганмиз. Мен ҳам сиз каби энг кичиги эдим. Овсинларим яхшийди, лекин мени худди дастёрдек қўриб, Машқура уни қил, буни олиб кел, мўнча имиллайди бу қиз деб турткилар эдилар. Мен эса ҳаёт шу аканда, кичкина бўлганим учун улар менга шундай муомалада бўлишадилар-да, деб ўз-ўзимга тасалли берадим. Ҳозир опқиларингиз билан худди она-сингилдекмиз, — деб келинини юпатди.
Кунлар ўтиб улар яшайдиган ҳовли бузиладиган бўлди. Оиладагиларни алоҳида уйларга чиқаришди. Ҳамма бўлак яшай бошлади.

Ҳаёт сабоқлари

САБР ТАГИ САРИҚ ОЛТИН...

та оила, юмуш кўп, ўқиш оғир. Кўзини очилга, тўйиб ухлашга ҳеч имкони йўқ. Лекин у доимо табассум қиларди, бу сифат уни янада кўркам янада ёқимли қўрсатарди.

Ҳаммаси яхши бўлиб турганда бир нохушлик содир бўлди. Бир овсини бой-бадавлат оиладан экан. Ота-онаси ҳар байрамда қизига совға-саломлар юборишарди. Гули бундан беҳабар ҳайрон бўлиб:

— Опажон, бугун кимнинг тутилган кунини? — деб сўради бир кунини.
— Менинг уйдагилар тутилган кунларни кутиб ўтиришмайди, менинг хурматим учун шундай қилишади. Сизни тутилган кунингиздан бошқа йўқлашмайди-а? — деди, пичинг қилиб овсини.

Гули нима деб жавоб беришини билмай, индамай уйига кириб кетди.

Кўп ўтмай яна кўнгилсизлик бўлди. Гули ошхоналарни ййиб, стол устига опқок қоғоз солиб ораста қилди ва дарсини тайёрлаш учун хонасига кириб кетди. Кечқурунги овқатга ҳаракат қилишга чқса, ҳалиги опқок қоғозлар нғижимлиб ахлат челакка ташланибди. Бу кимнинг иши? Албатта овсини Гўзалнинг қилиғи. Майли, мен оғир бўлай деди. Гули яна ўзини вазимин тутишга ҳаракат қилди. Чунки Гулини қайнота, қайнона ва уйдаги-

Кайнона, қайнота билан Гулига 5 хонали уй беришди. Гули ўз уйида ҳам, келин бўлиб тушган хонадонда ҳам кўпчилик бўлиб яшашига одатланган экан, хувилаб қолгандек бўлди.

Майли пичинг қилса ҳам, камситса ҳам овсинларини севиб қолган экан. Уларни тез-тез бориб кўриб турди, юмушлари бўлса аввалгидек қарашиб, ёрдамлашсини қанда қилмади.

Мана кўп йиллар ўтди. Қайнона, қайнота оламдан ўтишди. Гули уларнинг кексайган чоғлариди меҳрибонлик қилиб парваришлаб дуоларини олди. Ҳозир ўзи қайнона бўлган. Келинларига эътиборли, худди қайнонасида эшитган хоналарини айтади уларга. Дунёда яхшиликдан афзал нарсаяўқ экан. Офтоб билан гул-чечаклар кўқаради, яхшилик билан инсон кўнгли ҳамиса баҳор бўлар экан.

«Қайнонали келин қарқара келин, қайнонасини келин масҳара келин, қайнонасини маъно, мазмунини ҳар бир қиз тушуниб етиши керак.
Қиссадан хисса шуки, «Сабр қилсанг гўрадан ҳольва битар».

Кумри АБДУЛЛАЕВА,
Республикада хизмат қўрсатган халқ таълими ходими

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

• Доноларнинг айтишича, ҳар кишини ҳам дўст тутиб бўлавермайди. Дунёда дўстан кўра азизроқ ва қимматроқ нарсаяўқ. Айтишларича, Абу Жабфар Муҳаммад ибн ал-Хусайн ўз отаси ҳақида ҳикоя қилиб куйидагиларни айтган:

Дадам бир кун менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва улфатлик қилма, улар билан ҳеч вақт сўхбат қурма!» — деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» деб сўрадим. Дадам деди: «Биринчиси — физку фуҷур аҳли. Улар сени халқ орасида расо ва шарманда қилади. Бир луқма нон учун сени сотишдан қайтмайдилар. Уларнинг одатлари шуки, сендан доим бир нарсаятамасида бўлишади; агар бермасанг, халқ ичида сенинг ҳақингда ёмон гаплар тарқаташади. Одамлар эса гапнинг тағига етмасдан сен билан ёмон муомала қила бошлайдилар».

— Иккинчиси бахил ва ҳарис кишилар. Агар сен бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг, улар ҳеч қачон сенга бермайдилар. Сенинг молу давлатингни эса уялмай ейдилар. Тугаса душманга айландилар. Мен буни ўз бошимдан кечирганман. Пулим кўпчилигида дўстларим кўп эди. Камбағалликка тушиб қолганимда эса душманимга айланмишди, таъна тошини отишди.

Дадам давом этиб деди: — Уларнинг учинчиси ёлғончилар. Қимда бу иллат борлигини сезсанг ундан узоқроқ юр. Улар сени ўз яқинларингдан айиряшадилар ва бегоналарни яқинлаштиради. Туртинчи тоифа эса жоҳил, нодон ва аҳмоқ кишилардир. Улар билан бўлган сўхбат кишига аста-секин таъсир эта бошлайди, тўғри йўлдан оздириб, одамнинг нијатини бузади. Бешинчи тоифа эса лақма, дилдада меҳри йўқ кишилардир. Бундай кишиларнинг малъун деб аташ мумкин.

• ҲИКОЯТ. Бир тулки ўрмонда яшар эди. Бир кун эрталаб овқат излаганича ҳар томонни кеза бошлади. Тасодифан бир товўққа кўзи тушиб қолди. Уни таутишга деб боғлади. Шу пайти унинг қулгоғига баланд бир овоз эшитилди. У чор-атрофга қараб, дарахт тепасида турган йўғон гавдали, семиз бир нарсани кўрди. Иш-тахарис аланга олди. Уша семиз нарсая эришиш мақсадида юз ранжу қулфат билан дарахт тепасига чикди ва унга чанг солди. Уша нарсанинг ичи бўм-бўш бўлиб, ҳаводан ўзга нарсаяўқ эди. Тулкининг очкўзлиги туфайли бу ногора унинг кўзига семиз ҳайвон бўлиб кўринган эди. Шамол таъсирида дарахт шоҳлари тебаринди, унга урилар ва чиқаётган овоз эса ҳайвон овози бўлиб тусган эди. Тулкининг дили ҳасрат тутидан қуйиб надомат ёшларини тўқди. Сўнг ўзига деди: «Эссиз, бу ҳаводан ишган нарсани деб ҳалол сайдимки қўлдан чиқардим, фойдасиз бу йўғон гавдадан ҳеч манфаат етмади!» Қўтга:

Ноғора даранглар тинимсиз вале,
Ичи бўшидир, бундан нима фойда бор?
Ақлинг бўлса ишинг тагини ўйла,
Ялтироқ ташмага қилма эътибор!

СИЗ ҲАМИША БАРҲАЁТСИЗ

ТУЙГУ

Юрған пайтларимда икки фарзандлик бўлдим, бир ёқда ўқиш, бир ёқда болалар. Шунда бувижоним: "Мен бор пайтимда, мендан фойдаланиб қол, болам, ўқиб ол", деб бешик қучоқлаб, фарзандларимни боқиб бердилар. Ўқиб, олий маълумотли, бўлдим. Бахтдан масрур кўнларимнинг бирида бахтсизлик бахтимга соя солди. Ҳеч қутилмаганда бувижоним охирига риҳлат қилдилар. Ота-онам бор, Оллоҳга ашукр, лекин мен учун нимасир эди. Ҳаётимиз давомиди ота-онамиздан ҳам кўпроқ бувиимизга сўянар эдик. Мана 12 йилдирики бирон нимасини йўқотган одамга ўхшайман.

Бувижоним, сиздан олган тарбиямиз ҳаётимизда панд бергани йўқ, укаларим, сингилларимга қараб сизни меҳрингизни туйман, сизни хотирлангиз билан яшайман. Оллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, инсоният руҳида хотира деган муқаддас туйғу бор. Утаганларни хотирлаш, тирикларни қадрига етиши қўлимизда бор экан, эй одамлар, бир-биримизни тирикчилигимизда бунданда кўпроқ қадримизга етайлик, эъзозлайлик, дегим қолади.

Бувижоним сизни ёрқин хотирлангиз нафақат биз фарзандлар, набирона авараларингиз ёдида, балки сизни билган, сиздан панду-насиҳат олган, сиздан яхшилик кўрган жамики инсонлар ёдида абадий сақланиб қолади. Сиз ҳамиса барҳаётсиз, бувижоним.

Дилфуза ТОҶИЕВА

Ҳазин

МУҲТОЖГА ЁРДАН КЎРСАТ

Чин инсон бўл, мардларнинг

Ибрат ол, улар билан битта

Номадрлардай текинни

Ҳалол яша, меҳнатнинг ширин

Насибангга суқулиб бурнини тиқса номадр.

Бойлик етарли бўлса,

Эзгу ишларинг билан ўз

Баланд тоғлар булутлар,

Кўёш, ой ва юлдузлар осмонинг ичидадир.

Гуручинг қурмаги бор, гўзада бор ҳашарот,

Донлар ҳар хил хирмонлар,

Аралаш-қуралашдир жонли, жонсиз нарсалар,

Эй дўстлар, иймонсизлик

Ёзган шеър, ғазалини кўпчилик ўқимокда,

Ёзилмагани эса Жуманинг ичидадир.

Тўра ЖУМАН

Шурли

масофирлар

ЙИГИРМАНЧИ АСР ОФАТИ

Аҳоли жон бошига алкоголь истеъмол қилиш бўйича Австрия жаҳонда учинчи ўрinda туради.

Людвиг Больтцмани институтининг олимлари ўтказилган текширишларнинг натижаларига асосланиб, ана шундай ҳулосаларга келдилар. Институт кўлга киритган маълумотлардан маълум бўлишича соф алкоголь айланттириб ҳисоблаганда Альп республикаси аҳолиси жон бошига бир йилда 10 литр ичкилик истеъмол қилар экан. Аҳоли жон бошига бу кўрсаткич 18 литрдан тўғри келадиган Люксембург ва 13,5 литрдан тўғри келадиган Францияга Австриядан "ўзиб" кетибди холос.

Алкоголь истеъмол муносабати билан Штирия федерал ўлкасида айниқса ташвишли вазият вужудга келган. Ўлка касалхонасининг врач доктор Бернд Цирмнинг маълум қилишига қараганда, штирияликлар "спиртли ичимликларга ихлоси" жиҳатидан (ҳар бир кишига бир йилда 14 литр соф алкоголь тўғри келади) мамлакатнинг бошқа ҳамма ўлкаларини ортада қолдиришди. Штирияда 90 мингдан зиёд пианиста рўйхатга олинган — хавфли ишқибозликнинг оқибати ана шундай. "Бизга келган ҳар ўн беморнинг бири алкогольизм оқибатида оғир руҳий касалликка учраган", — дейди Б.Цирм.

Афсуски, Штирияда ушбу муаммога панжа орасидан қарашпти: бу ўлкада ҳатто болалар ҳам спиртли ичимликларни истеъмол қилишади. Касалхонага алкоголь истеъмол натижасида оғир хасталанган беш ёшли болалар келтирилган ҳоллар ҳам бўлди.

Аҳолиси 80 миллион кишини ташкил этувчи Мексикада 7 миллион пианиста бор. Уларнинг 600 минг нафари нисбатан ёш хотин-қизлар эканлиги айниқса ташвишлантиради. Ҳозирги туғилиш даражаси инобатга олинмаган бўлса, улар бир йилда 114 минг бола кўришлари мумкин, деб ҳисоблайди республика соғлиқни сақлаш хизмати ходимлари. Уларнинг ярами касал оналаридан мерос сифатида нуқсон билан туғилиши эҳтимоли бор.

ВУЛҚОНШУНОС БАШОРАТИ

Таникли француз вулқоншуноси Г.Тазиевнинг фикрига кўра, шу эсрининг охирида Францияда кучли zilзилла бўлади. Бу zilзиланинг кучи бундан икки йил аввал Мексикада содир бўлган zilзилла кучидан ҳам ошиб тушади.

Сўнгги олти аср мобайнида Францияда ҳаммаси бўлиб 25 мартабта ер қимирлади. Ҳар юз йилга ўртача тўрт zilзилладан тўғри келади, деди олим Франс Пресс агентлигига суҳбат пайтида. Ваҳоланки, Францияда XX асрда аттиги бир мартагина ер қимирлаган. У ҳам бўлса мамлакатнинг жанубида 1970 йилда содир бўлган. Вулқоншунос табиий офат қаерда ва қачон ҳужу қилишини башорат қилишдан ўзини тийибди.

Махмуд ИЛҲОМОВ,
Тошкент Молия институти доценти.
Дониёр РАШИДОВ,
шу институт талабаси.

Мунажжим башорати

ҚУВОНЧЛИ ҲОДИСАЛАР КУНИ

10 ИЮНЬ, ЖУМА

Бир йўла бир неча мунажжимлар бугунги кунни олам сирларидан вокиф бўлинадиган ёки шу сирларни ўзлари билан олиб юрувчилар кунни деб аташган. Шу кунни туғилганлар эса - шундай сирларнинг эгалари ҳисобланадилар ҳамда улар бу фазилатларидан фойдаланишни ҳам билдилар. Бугун шунингдек билим ва кўникмаларни ошириш ва мустаҳкамлаш, бундан ташқари яна харидлар, савдо-сотиклар билан, пул муомаласи билан шуғулланиш фойдали бўлади.

Таъмирлаш, қурилиш ишлари билан машғул бўлиш ёки бошқа жойга кўчиб ўтиш учун ҳам бугунги кун қулай ҳисобланади. Бугун қилиб бўлмайдиган ягона амалиёт - бу гуруҳда, жамоада ишламаслик, янги танишлар орттирмамаслик ва кўп гапирмасликдан иборат. Ортиқча сергаплик сизни мувозанатдан чиқариши, кўп куч-қувватингизни олиб қўйиши мумкин. Дарвоқе, яна бир мунажжим бугун эҳтиёткорроқ бўлиш лозимлигидан бизни огоҳлантирган. Унинг фикрича, бугун ўзига ҳаддан зиёд ишонини, шухрат-парастлик кайфиятига берилиш катъиян ман этилади. Марс билан Меркурий ўртасидаги ўзаро акс таъсир вектори йирик йўл-транспорт ҳодисаларини рўй бериши, муштлашишга бориб етадиган жанжал-можаролар юз бериши эҳтимоллари мавжудлигидан хабар беради.

Соат 15.19 дан 17.41 гача Ой сайёрасининг йўналишсиз ҳолатда бўлиши эса, кўпчилик ўз куч-имкониятларига ортиқча баҳо бериши, натижада уларнинг режалари удалаб бўлмайдиган бўлиб чиқишидан гувоҳлик беради. Айниқса болалар бугун эътибор ва гамхўрликка муҳтож бўлишади деган фикр ҳам юқоридаги мунажжимлар томонидан билдирилган. Уларнинг кўча ва катта йўллардаги шўхликлари хавфли бўлиб, санчиладиган ёки кескир буюмлар билан уйнашлари ҳам яхши оқибатларга олиб бормайди.

Ғийбатчилик, ёлгон гапириш, бировларга ёмонлик тилаш мумкин эмас. Тилингизга эҳтиёт бўлиб, бирор кишининг дилига озор бериб қўйишдан ўзингизни асранг. Шошилинч қарорлар қабул қилиш ёки ўйламай бериладиган ваъдалардан тийилинг.

Йўлда учраган майда пул ёки маъдан буюмларни бугун олиш мумкин эмас. Акс ҳолда ўзгалар юқини зиммангизга олган бўлиб чиқасиз. Калининг синиши ёки қулфнинг бузилиши ёхуд тасофирдан эшикнинг ёпилиб қолиши нохушликлар аломати бўлиши мумкин. Мабоодо, бугун сотиб олган нарсанинг йиртилса, синса ёки йўқолса - шу ойнинг охиригача бошқа нарса харид қилмаганингиз маъқул.

Бу кеча қуриладиган тушларингиз жуда муҳим бўлиши мумкин. Улар сизни қийнаб келаятган анча-мунча саволларга жавоб топиб беради. Башоратли тушлар, асосан, эрта тонгда қўрилади. Давомли тушлар, шунингдек турли овозлар эшитилган тушлар албатта ўнгидан келади.

Ошқовон-ичак йўллари, асаб тизими бугун заифлашган ҳолатда бўлади.

Сарик, хаворанг ва яшил либослар бугунги кун руҳига мос келади. Бошдан-оёқ янги либослар кийиш ҳам омадли бўлиши мумкин. Зарғалдоқанг, қизил ва сиёҳранг кийимларингизни четроққа суриб қўя туринг.

БУГУНГИ ЖУМАДА:

- янги ишларни бошлаш;
- ўзингиз учун керакли кишиларни, йўқотган нарсаларингизни излашга киришиш;
- эзгу ниятларингизни амалга ошира бошлаш;
- фақат яхши удалайдиган ишларингизгагина қўл уриш;
- оила даврасида, яқин дўстлар даврасида кунни ўтказиш тавсия этилади.

Ҳатто арзимасдай туюлган жанжал-можароларда ҳам қатнашишдан, мерос ва жамоа мулк билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш амалиётларидан бугунча ўзингизни тийинг.

Шахримиз маданий ҳаётида Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрининг тутган ўрни катта. Улуғ рус композитори Пётр Ильич Чайковский таваллудининг 165 йиллигига бағишлаб ушбу театрда "П.И.Чайковскийнинг музыкали оқшомлари" фестивалининг санъат ихлосмандларида катта қизиш уйғотиши табиий.

Маданият

КАТТА ТЕАТР САҲНАСИДА – ОПЕРА ВА БАЛЕТ УСТАЛАРИ

Шу муносабат билан Давлат академик театрида бўлиб ўтган маъбуот анжуманида ҳам фестивал дастури ва ундан ўрин олган асарлар хусусида батафсил сўз борди.

Ҳозирча фестивал доирасида П.И. Чайковскийнинг "Уй қудаги гўзал", "Шелкунчик", "Оққуш кули" балетлари, "Иоланта" операси намойиш этилган бўлса-да, кўтулган муносабати билан театрда композиторнинг "Евгений Онегин" операси янги талқинда томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади. Бу борада операни саҳналаштирувчи режиссёр Андрей Слонимнинг улкан сайёҳаракатларини таъкидлаб ўтиш жоиз. "Евгений Онегин" операсининг янги талқини 10 июль кунни мухлислар эътиборига ҳавола этилади.

Шуни айтиш керакки, фестивал доирасида томошабинлар Ўзбекистон халқ артистлари Муяссар Раззоқова (сопрано), Дилбар Абдураҳмонова (дирижёр), Исмоил Жалилов (тенор), Иброҳим Юсупов (бош балетмейстер) каби санъатимиз улкан намояндаларининг маҳоратларидан баҳраманд бўлишмоқда. Москва Давлат академик филармонияси солистлари,

Россияда хизмат кўрсатган артистлар Максим Федотов ва Галина Петрова, Россия

Давлат академик катта театри солисти Анастасия Зайченко, Россия Федерациясининг халқ артисти Мурад Аннамедов ва бошқалар эса фестивал меҳмонлари сифатида ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда.

Бундан ташқари Россия Федерациясида хизмат кўрсатган артист, Россия катта театри яққохони Анастасия Яценко ҳамда катта театрининг етакчи солисти, халқаро танловлар совриндори Андрей Евдокимов жуфтлиги 15 июнда "Оққуш кули" ҳамда 17 июнда А.Аданнинг "Жизель" саҳна асарларида рақсга тушишади.

Ўйлаيمизки, театр мавсуми ёпилиши арафасида А.Навоий номидаги Давлат академик Катта театри саҳнасида намойиш этилаётган ўлмас саҳна асарлари ва уларда етакчи опера ҳамда балет усталарининг иштироки мухлислар ёдида узоқ сақланиб, улар дилларига бир олам завқ-шавқ бахш этади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ СУРАТДА: "Евгений Онегин" операсидан лавҳа.



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪПОНЛАР

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН, ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАР ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН ДАВЛАТ ДАРОМАДИГА ЎТКАЗИШ ВА ҚАРЗ ҲИСОБИГА УНДИРИШЛИК УЧУН ХАТЛАНИБ БАНД СОЛИНГАН АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ОЧИҚ КИМОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ.

- 2005 йил 22 июнь кунда куйидаги автомобилларнинг кимошди савдолари ўтказилди:
1. "Газ-53" автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 57-20 ТНМ, бошлангич нархи 199 430 сўм, техник носоз;
 2. "Газ-3306" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 47-33 ТНП, бошлангич нархи 1 212 741 сўм, техник носоз;
 3. "Луаз-969М" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АW 620, бошлангич нархи 674 819 сўм, техник носоз;
 4. "Газ-2411" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АO 276, бошлангич нархи 1 033 967 сўм, техник носоз;
 5. "Кавз-685" автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АP 486, бошлангич нархи 2 266 608 сўм, техник носоз;
 6. "Газ-60882" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АP 144, бошлангич нархи 3 960 184 сўм, техник носоз;
 7. "Зил-ММЗ-45021" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АP 142, бошлангич нархи 2 588 053 сўм, техник носоз;
 8. "Газ-5204" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АN 337, бошлангич нархи 2 055 908 сўм, техник носоз;
 9. "ДЭУ-Рейсер" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АW 710, бошлангич нархи 3 129 424 сўм, техник носоз;
 10. "ДЭУ-Рейсер" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АW 638, бошлангич нархи 3 145 029 сўм, техник носоз;
 11. Москвич-2140 автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 56-71 ТША, бошлангич нархи 363 068 сўм, техник носоз;
 12. "Зил-431412" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10-16 ТШС, бошлангич нархи 2 351 676 сўм, техник носоз;
 13. "Газ-53" автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30-99 ТШС, бошлангич нархи 1 627 450 сўм, техник носоз;
 14. "Ссанг Енг муссо" автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 26-81, бошлангич нархи 5 760 267 сўм, техник носоз;
 15. "Газ-24" автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 F 49-11, бошлангич нархи 800 950 сўм, техник носоз;
 16. "Ваз-2106" автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси D 05-16 ТН, бошлангич нархи 965 834 сўм, техник носоз;
 17. "Мазда" автомобили, ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақам белгиси йўқ, бошлангич нархи 4 000 000 сўм, техник носоз;
 18. "Урал-4320" автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 34-14 ТНФ, бошлангич нархи 15 000 000 сўм, техник носоз;
 19. "Ваз-21061" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 J 80-95, бошлангич нархи 1 200 000 сўм, техник носоз;
 20. "Ваз-21013" автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 Н 09-55, бошлангич нархи 500 000 сўм, техник носоз;
 21. "Газ-2411" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 G07-87, бошлангич нархи 1 584 303 сўм, техник носоз;
 22. "Газ-31029" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 G 28-92, бошлангич нархи 1 463 040 сўм, техник носоз;
- 2005 йил 12 июль кунда куйидаги автомобилларнинг кимошди савдолари ўтказилди:
1. "Газ-5312" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 L 59-43, бошлангич нархи 323 720 сўм, техник носоз;
 2. "Ваз-2108" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 D 75-99, бошлангич нархи 147 000 сўм, техник носоз;
- "КИМОШДИ САВДОЛАРИ СОАТ 16-00ДА БОШЛАНДИ.**
Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш кимошди савдоси ёълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади.
- Кимошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.
- Маълумот:* Тошкент шаҳри, Устак Юсуфов сўраси 3-ўй 2-қават,
Маълумот учун тел.номера: 144-54-08; 41-16-38.

Спорт

**ЮГУРИШ
МАРАФОНИ**

«Соғ таңда — соғлом ақл», «Саломатлик — туман бойлик» деган ҳикматли сўзларда олам-олам маъно муҳассама.

Инсоннинг бардам, тетик ва соғлом бўлишида эса бадантарбия машқлари, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш катта аҳамият касб этади.

Сихат-саломатлик йили муносабати билан кунчи кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида югуриш бўйича марафон уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Енгил атлетика федерацияси ҳамкорликларида ўтказилган ушбу марафонда шаҳримизнинг 14 ёшдан 80 ёшгача бўлган югуриш билан мунтазам шугулланиб келаётган фуқаролари иштирок этишди. Байрамона руҳда ташкил этилган ушбу мусобақа кизиқарли, шиддатли курашларга бой кечди. Мусобақа якунида ким эпчилу, ким чақонлигини жиҳдди синовдан ўтказган ҳакамлар ҳайъати ғолиб ва совиндорларни эсдалик совгалари билан тақдирлади.

**«ЁЗНИ
«КАМОЛОТ»
БИЛАН»**

Ёғзи таътил кунларида мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларини мароқли ўтказишни таъминлаш мақсадида Сергели туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими ҳамда «Камолот» ЕИХ Сергели туман Кенгаши ҳамкорликда «ЁзНИ «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида турли хил спорт тадбирларини ташкил этишмоқда.

Тумандаги мактабларнинг 5, 6-синфлар ўқувчилари иштирокчида кунчи кеча югуриш мусобақалари ўтказилди. Шуниси эътиборлики, 300 метрли масофага югуриш бўйича уюштирилган ушбу беллашувлар келажакимиз ворисларининг чақон, тезкор ҳаракатлана олишларини, ғалабага иштиқлари билан экинлигини исботлади.

Шунингдек, туман мактабларининг 8, 9-синф ўқувчиларининг ўртасида ўтказилган стол тенниси баҳслари ушбу спорт турига ёшлар орасида кизиқиш катта эканлигини кўрсатди.

**ЮРТИМИЗГА
ОЛТИН
МЕДАЛЛАР
БИЛАН**

Хитой Тайпейида енгил атлетика бўйича уюштирилган халқаро турнир Ўзбекистон терма жамоасига омад келтирди.

Шуниси қувончлики, ушбу турнир мамлакатимизда енгил атлетика тури янада ривожланаётганлигини исботлади. Чунки терма жамоамиз аъзолари ушбу нуфузли баҳсларда тўртта олтин медални кўлга киритиб ўзбек спортчиларининг доврларини яна бир қарра оламга ёйишди. 100 ва 200 метр масофага югуриш баҳсларида Любовь Перелелова иккита олтин медал соҳиблигига сазовор бўлган бўлса, 400 метрлик масофага югуришда Замира Аморова тенг келадиган рақиб топилмади. Уч хатлаб сарқаш баҳсларида ўзининг шахсий рекордини ўрнатган Анастасия Журавлёванинг маҳорати ҳамма тан берди. 14 метр 40 сантиметрлик натижани кўрсатган Анастасия ҳам олтин медал соҳибаси бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

**“КИЧИК ОЛИМПИАДА” ГА
БАҒИШЛАНДИ**

Олимпия шон-шухрати музейида яқинда Тошкентда катта муваффақият билан якунланган академик лицей ва касб-хунар коллежлари талаба ёшларининг «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига бағишланган янги экспозиция ташкил этилди.

«Баркамол авлод» — «Кичик олимпиада» деб номланган бу экспозициядан Президентимизнинг ушбу мусобақа қатнашчиларига табриги ўрин олган. Ёркин фотолавҳаларда спорт ўйинлари қатнашчиларининг катта шодийна билан кутиб олиниши, мусобақаларнинг тантанали очилиши, қизгин ва мурасасиз баҳслар, қатнашчилар унун ташкил этилган ма-

даний тадбирлар ўз ифодасини топган. «Баркамол авлод»нинг дастлабки босқичларида республикамиздаги барча академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг 645 минг талаба ёшлари иштирок этганлиги, уларнинг энг кучли, чақон ва эпчилларидан 2170 тасигина финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритгани, ўйин-

ғолиблари — Андижон вилояти, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти жамоаларининг зарфарларига ҳам экспозициядан кенг ўрин берилган.

Музейнинг «Кичик олимпиада» га бағишланган янги экспозицияси ҳозирги кунларда бу ерга ташриф бураётган спорт ихлосмандларида катта кизиқиш уйғотмоқда.

Дониёр ЭРКИНОВ

Мусобақалар

ҚИЗИҚАРЛИ ЎТГАН УЧРАШУВ

Болалар — ёруғ келажакимиз, наслимиз давомчилари. Беғубор, покиза туйғулар, орзу-ниятлар фақат улар билан гўзал, маъноли, мазмунли. Нури дийдаларимиз билангина бу олам чаргонлигини, умримиз мақсад-моҳиятини англаймиз, ҳаётда интилиб, бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан ахишроқ яшаши интилаймиз.

Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларининг илк дебёчасидан бошлаб ёшларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишлари йўлида барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Маҳалларда, мактаб ва олий ўқув юртиларида ўтказилаётган спорт мусобақалари, кўрик-танловлар эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Шайхонхур туманидаги «Янгиобод» маҳалласида 13-14 ёшли болажонлар ўртасида катта спорт мусобақаси ўтказилди. Бу мусобақаларда «Камолон» ва «Янгиобод» маҳалласининг футболга ошно ишқибозлари яшил майдонда

тўп суришди. Чақон, ғайратли, чопқир футболчи-ёшлар қанчалик ҳаракат қилишмасин, ҳисобни очиша олмади. Тўғрироғи дўстлик ғолиб бўлди.

Ёш спортчиларни маҳалла оқсоқоллари, фалоллар ва «Янгиобод» маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Манзуравалиева, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими вакиллари муборакбод этдилар.

(Ўз мухбиримиз)

Айтиш жоизки, ушбу баҳсда ғалаба қозониш ҳар икки жамоа учун сув билан ҳаводек зарур эди. Чунки майдон эгалари агар уч оқнони кўлга киритишса муддатидан аввал Германияда 2006 йилда ўтадиган Жаҳон чемпионати финалига йўланма-ни кўлга киритишар эди. Ўзбекистонлик чарм тўп усталарига омад қилиб қарм футболчиларимизга гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаш учун имконият пайдо бўларди.

Шу боис ҳам маъзур учрашув мурасасиз ва ҳужумлар руҳида кечди. Ҳамюртаримиз мезбонлар дарвозасига бир неча марта хавфли ҳужумлар уюштиришга муваффақ бўлишди. Мезбонлар тедада ўзларини ўнглаб олишди. Сафони дарвозаси томон уюштирилаётган хавфли ҳужумлар самара бериб 9,61,88-дақиқаларда

Ҷоғибол

ҲАМОН УМИД БОР

КЕЧА

Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳридаги Қирол Фаҳд номи билан аталувчи стадионга йиғилган минглаб мухлислар Саудия Арабистони ҳамда Ўзбекистон терма жамоалари ўртасидаги Жаҳон чемпионатига саралаш турнири иккинчи босқичи иккинчи даврасининг иккинчи тур беллашув гувоҳига айланишди.

Сами ал-Жабр (2 та), Саъд ал Фаҳд бир марта меҳмонлар дарвозасини доғда қолдира олишди. Тан олиш керак, Саудия Арабистони терма жамоаси майдон марказида ҳам, ҳужум уюштириш борасида ҳам, тўпни бир-бирига аниқ узатиш борасида ҳам меҳмонлардан аққол устунлик қилди. Терма жамоамиз-

нинг оғриқли нуқтаси яна ҳимоя чизиғида эканлиги маълум бўлиб қолди. Тезлик борасида ҳам мезбонлар меҳмонларга ўрнак бўлишди.

Ушбу гуруҳдаги Қувайт-Жанубий Корея терма жамоалари баҳсида эса рақиблари дарвозасига унча гол йўлаган меҳмонлар 3:0 ҳисобида ғалаба наҳидасини суришди. Ушбу

мағлубиятдан кейин ҳам миллий терма жамоамиз вакилларида учинчи ўринни эгаллаш учун ва Германия йўланмасини кўлга киритиш учун имконият бор. 17 августда Тошкентда ўтказиладиган Ўзбекистон-Қувайт терма жамоалари баҳсида Равайн Хайдаров шоғирдлари ғалаба қозонишга БС. Гуруҳдаги баҳслар якунланмасидан аввал Саудия Арабистони ва Жанубий Корея термалари Германия яшил майдонларида тўп суриш имконига эга бўлишди. Иккинчи гуруҳдаги Эрон-Баҳрайн учрашувига 1:0 ҳисобида рақибини енга олган мезбонлар ва Япония терма жамоалари ҳам Германияда ўтадиган Жаҳон чемпионати финалида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритишди.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

Шифокор оғоҳлантиради

**ЮқУМЛИ ЎТКИР ИЧАК
КАСАЛЛИКЛАРИДАН
САҚЛАНИҒ!**

Юқумли ичак касалликларига ич терлама, паратиф, бактериял дизентерия, озиқ-овқат токсико-инфекцияси ва ҳоказолар қиради. Бу юқумли касалликларнинг ҳар бирини маълум бир турдаги кўзгатувчи кўзгатади ва ўзига хос клиник кечиси ва эпидемиологияси билан фарқ қилади. Бу инфекциялар аксари бир-бирига ўхшаш бўлади. Ҳар қандай ичак инфекцияси учун касаллик кўзгатувчисининг оғиз орқали кириши ва меъда ичак йўлида тез кўпайиши характерлидир.

Бу касалликларнинг манбаи бўлиб асосан бемор одам касаллик ташувчилар ҳисобланади. Касаллик кўзгатувчилари соғлом одамга беморнинг ажралмалари билан ифлосланган сув, озиқ-овқат маҳсулотлари, бемор қарашда ишлатиладиган нарсалар, ўйинчоқлар, ўрин-кўрпа, чошиба ва бошқалардан юқиши мумкин. Ўткир ичак касалликларининг ҳақли равишида «ифлос кўл касаллиги» — деб ҳам аташади. Ичак инфекцияларининг тарқалишида ахлат ўралари ва хожатхоналардан учиб қирадиган пашшалар ҳам катта роль ўйнайди. Ичак инфекцияларининг кўзгатувчилари уларнинг токсинлари (заҳарлари) меъда-ичак йўли ишини бузибгина қолмай, балки марказий асаб системасини ҳам шикастлантиради. Беморнинг ҳарорати кўтарилади, юрак-томир системасининг нормал фаолияти бузилади. Бу касалликнинг аломати ҳар хил бўлади.

Ўткир меъда-ичак касалликлари асосан ёзда кун

анча иссиқ пайтда кўпроқ учрайди. Чунки бу даврда сабзавот ва мевалар мўл бўлади, кишилар сувни кўп ичидилар, бунинг устига пашша ҳам кўпаяди. Бу касалликлар ҳар қандай ёшдаги кишиларга, айниқса болаларга осон юқди. Касалликнинг яширин даври бир неча соатдан 7 кунгача, ич терламада эса бир неча кундан 3 ҳафтагача бўлади. Ўткир ичак инфекцияларининг олдини олиш учун инфекция манбаини йўқотиш, зарарсизлантириш, организмни касалликларга чидамлигини ошириш керак. Касалликнинг дастлабки аломатлари пайдо бўлиши билан оқ бемор ичагидан ташқари муҳитга жуда кўпаяб микробларни ажрата бошлайди. Шу сабабли беморни иложи борича тезроқ касалхонага ётқириб, ўз вақтида даволаш, касаллик тарқалишининг олдини олиди.

Касалликнинг олдини олиш учун албатта шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш лозим. Саб-

завот ва мевалар истеъмол қилишдан олдин албатта уларни водопровод сувида ёки қайнатилган сувида қайиш мақсадга мувофиқдир. Болаларни доимо қўлини ювтиб юришга одатлантириш касалликнинг олдини олишда жуда катта роль ўйнайди. Шунингдек, ўткир ичак инфекцияларининг олдини олишда умумий овқатланиш қорхоналари устидан санитария-гигиена назорати олий бориш муҳим аҳамиятга эга. Уй шароитларида озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш шарт-шароитларига қатъий риоя қилиш зарур.

Ичак касалликларининг кўзгатувчилари зарарсизлантиручи восталар тасирида дарров ўлади. Шу сабабли идиш-товокларни, тувакларни ва бошқаларни доимо зарарсизлантириш лозим. Ичак инфекцияларининг профилактикасида пашшаларни йўқ қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Организмининг инфекцияларга қарши чидамлигини оширишга қаратилган умумсоғломлаштиручи восталар ҳам муҳим роль ўйнайди. Болаларга витаминларга бой овқат бериш, организмни гимнастика, физкультура ва бошқа муолажалар билан чиққитириш, меҳнат қилиш режимида риоя қилиш лозим.

Гигиена ва санитария қоидаларини тўла ўзиниб, ҳаётга таътиб этиш ҳар бир одамнинг бурчидир. Хулоса қилиб айтганда, ўткир ичак касалликларининг олдини олишда буғун аҳоли фаол қатнашиши, гигиена қоидаларига риоя қилиниши, шу касалликларга шубҳа туғилса, тедада шифокорга мурожаат қилиши тавсия этилади.

Маҳаматжон ЗОЙИРОВ,
Сергели тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врач, тиббиёт фанлари номзоди.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Мусас: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонар: 133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 бома табоқ оёғет усунда бошлайди.
3684 нуқсда босилди. Қозғоз бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхат олинан.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқеди.
Напир кўрсаткичи — 563

Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютерлаштирилган версиясида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси.
Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Бюртма Г-509.

1 2 3 4 6